

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган

2008 йил 14-20 ноябрь № 45 (613)

Жума кунлари чиқади

Тадбир

МЕҲНАТЛАРГА МУНОСИБ ЭЪТИРОФ

Ўзбекистон Республикасидаги барча тиббиёт ходимлари ноябрь ойининг иккинчи якшанбасида ўзларининг касб байрамларини кўтаринки руҳда нишонладилар. Жорий йилнинг 8 ноябрь кўни тиббиётимиз равнақи ва эртанги келажаги учун бор илму маҳорати, касбий салоҳиятини бахшида этган тиббиёт ходимлари ва кўп йиллар меҳнат қилган фахрийларнинг байрамона қайфиятини бир сўз билан ифодалаб бўлмайди...



Мазкур тадбирни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Феруз Назиров кириш сўзи билан очиб, соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотларнинг кенг татбиқи қилиниши ва аҳоли саломатлиги мустаҳкамланишида тиббиёт ходимларининг ўрни бе-

қиёс эканлигини эътироф этиб, уларни касб байрамлари билан кутлади. Шунингдек, Соғлиқни сақлаш ходимлари Касаба уюшмаси Марказий Кенгаши раиси Озода Муҳитдинова ҳам инсон саломатлиги олий қадрият эканлигини таъкидлаб, бу йўлда азму шижоат кўрсатаётган тиб-

биёт ходимлари ва меҳнат фахрийларини савобли ҳамда хайрли ишлари ҳамда давлатимиз томонидан кўрсатилаётган юксак ғўмхўрликлар тўғрисида тўхталиб ўтди.

Хар йилги аънаъага мувофиқ бутун илмий фаолиятини тиббиётга бахшида этган меҳнат фахрийларига вазирлик томонидан мукофотлар тақдим этилиб, уларга алоҳида хурмат-эътибор кўрсатилди. Шунингдек, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда муносиб ҳисса қўшган ва касб малакасига эга бўлган тиббиёт ходимлари "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочилиси" кўкрак нишони билан тақдирландилар. Давлатимиз томонидан кўрсатилган бундай ғамхўрлик ва эътибордан руҳланган меҳнат фахрийлари ҳамда нишондорлар сўзга чиқишиб, юракдаги дил сўзлари ва миннатдорчиликларини билдирдилар.

Тадбир сўнгига халқимизнинг ардоқли санъаткорлари ижросида концерт дастури бўлиб ўтди.

Ибодат СОАТОВА.

БОШ МАҚСАД — АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ

Тиббиёт соҳасида ўтказилаётган ислохотлар ана шундай эзгу ниятга йўналтирилган

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлардан кўзланган мақсад инсон, унинг манфаатларига хизмат қилишдир. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан амалга оширилаётган ушбу эзгу ва хайрли ишлар миллатни янада соғломлаштириш ғоясининг асосини ташкил қилади. Зеро, юртимиз тиббиёт тизимида босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этиб келинаётган кенг қамровли ислохотлар ҳар жиҳатдан баркамол авлодни вояга етказиш, миллатимизнинг янада соғлом бўлишидек улғувор мақсадларга йўналтирилган.

Яширининг ҳождати йўқ, авваллари қишлоқларимизда мунгайибгина турадиган эски шифоналарни кўравериш кўзимиз ўрганиб кетган эди. У пайтларда тиббиёт ходимининг ҳозиргидек замонавий шарт-шароитларда, эътибору имтиёз ва имкониятдан баҳраманд ҳолда илҳомланиб ишлаши қаяқда эди, дейсиз.

Мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий хизмат сифатини тўбдан юксалтириш борасида салмоқли натижаларга эришилди. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг 1998 йилдаги Фармони билан Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишнинг 1999-2005 йилларга мўлжалланган Давлат дастури қабул қилиниши соҳада ўтказилаётган ислохотларнинг янада чуқурлашуви, шифокор меҳнати қадр топишига олиб келди. Бугун биз чексиз фахр билан айтишимиз мумкинки, тиббий хизматнинг миллий моделини босқичма-босқич шакллантириб бориш вазифаси қўйилган ушбу стратегик аҳамиятли ҳужжатнинг ҳаётга татбиқ этилгани ҳавас қилса арзигулик муваффақиятларга эришишимизни таъминлади.

Биобарин, бирламчи тиббий хизмат тизимини тўбдан яхшилаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ихтисослаштирилган марказлар ҳамда соҳада янги — шошилич тиббий хизмат тизимини ташкил қилиш, кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, фармацевтика соҳасини ривожлантириш каби йўналишларда салмоқли ютуқлар қўлга киритилди. Шаҳару қишлоқларда бир-биридан кўрама, гўзал, замонавий даволаш муассасалари ва тиббий марказлар қад ростлади. Очиги, энг мураккаб ва ноёб хирургик ишни ҳам амалга ошириш имконини берувчи бундай муассасаларда фаолият кўрсатиш ҳар бир шифокорга гурур бағишлаши тайин.

Давлат дастури бўйича кенг қўламда амалга оширилган ишлар натижасида самарасиз ишлаётган фельдшерлик-акушерлик пунктлари ва қишлоқ амбулаториялари ўрнида замонавий диагностика ва тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган 3118 та қишлоқ врачлик пунктлари вужудга келди. Ислохотлар жараёнида мамлакатда, энг

аввало, аҳолига юқори малакали бепул шошилич тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ягона тизим — Республика Шошилич тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятларда 12 филиали, туман ва шаҳарларда 173 та бўлими бунёд этилди.

Маълумки, аёлга ва ўсиб келаётган ёш авлодга бўлган эътибор, бу — жамиятнинг эртаси ва келажагига эътибор демак. Шу боис ҳам оналик ва болалик муҳофазасини тўбдан яхшилаш — тиббиёт соҳасидаги Давлат дастурида белгиланган асосий устувор вазифа деб баҳоланди. Дастурга биноан, ўтган йиллар мобайнида оилаларда тиббий маданиятни ошириш, аёллар соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлодни дунёга келтириш ва тарбиялаш бўйича кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилди. Бу борада, бўлгуси оналарнинг саломатлигини мунтазам назорат қилувчи ҳамда соғлом болалар туғилишига қўмаклашувчи скрининг марказларининг кенг тармоғи вужудга келтирилганлиги муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Энг асосийси, бу соҳада мамлакатимиз эришяётган натижа ва ютуқлар нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан ҳам ҳақли равишда эътироф этилмоқда. Жумладан, БМТнинг Болалар жамғармаси — ЮНИСЕФнинг Шарқий Европа, Болтиқбўйи ва Хамдўстлик давлатлари бўйича минтақавий директори Мария Каливис бундан бир мuddат олдин юртимизда бўлиб, "Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш, хусусан, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида жаҳоннинг қўллаб-қувватловчи ўрнани арзийдиган тажриба тўпланган", дея таъкидлагани фикримиз далилидир.

Шу ўринда диққатга сазовор бўлган яна бир воқеани айтишни жоиз деб билдик. 2007 йил Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти томонидан 53 та мамлакат ичида фақатгина 4 та давлат, хусусан, Ўзбекистон оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тиббий хизматининг миллий модели юқори баҳолаиб, жаҳоннинг ривожланган мамлакатларига намуна сифатида эътироф этилди. Ростки, қисқа вақт ичида

(Давоми 2-бетда).

ГАЗЕТАМИЗ САҲИФАЛАРИДА:

СИФАТЛИ НАЗОРАТ — СОҒЛОМ ФАРЗАНД КАФОЛАТИ

3-бет

Республика "Она ва бола скрининги" маркази фаолияти тўғрисида

Конспект врача

синдром диабетической стопы,
клиника, диагностика,
лечение, профилактика

4-я стр.

МУҲИМ ТАДБИРЛАР ДОИРАСИДА

14 ноябрь кун
республикамизда Халқаро
Диабет кун ва
"Диабет ойлиги" кенг
нишонланади.

5-бет

БОШ МАҚСАД – АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ

Тиббиёт соҳасида ўтказилаётган ислохотлар ана шундай эзгу ниятга йўналтирилган

юртимизнинг бундай юксак муваффақиятларга эришиб, ҳаҳон микёсида эътироф этилишига қудратли мезон бор. Дарҳақиқат, бугун скрининг, перинатал, шошилиш ва ихтисослаштирилган тиббий марказлар каби биз учун тасаввуримизга сиғдиришимиз қийин бўлган янги тизим ва йирик Давлат дастурларининг жорий этилиши, бундан 15-17 йил аввал олдимизда жиддий муаммо бўлиб турган масалалар бугунги кунда ўзининг ихобий ечимини топаётгани кувончлидир.

Шуниси эътиборлики, бугун Ўзбекистонда чечак, ич терлама, ўлат ва вабо каби юқумли касалликларга бутунлай барҳам берилди. Ҳаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти томонидан тасдиқланган маълумотларга қараганда, мамлакатимизда барқарор эпидемиологик вазият сақланиб турибди. Ўтган давр мобайнида аҳолининг ўртача умр кўриш давраҳси 72 ёшдан ошиб, ушбу кўрсаткич нафақат МДХ, балки ҳаҳонда ҳам энг юқори даража ҳисобланади. Табиийки, мамлакатимизда яшайдиган ҳар бир инсон бундан ҳар қанча фахрланса арзийди. Бу юртимизда "Ислохот – ислохот учун эмас, инсон учун", деган эзгу тамойил асосида сиёсат юритилаётганлигини яна бир қарра исботлайди.

Биз, шифокорлар қалбиди ифтихор ҳиссини туйишимиз, илҳомланиб ишлашимиз учун яна бир асос бор: бугун Ўрт-бошимиз ҳамхўрлиги ва эътибори туфайли тиббиёт улуг мартаба, юксак эҳтиромга сазовор қасбга айланди. Шифокорлар меҳнати ва фидойилигига яраша имтиёз ва имкони-

ят яратиб масаласи давлатимиз эътиборида бўлиб келмоқда. Айниқса, "Ўзбекистон Республикаси тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, ҳар йили ноябрь ойининг иккинчи яшанбаси шифокорлар байрами сифатида нишонланиши барчамизга руҳий куч-ғайрат бағишламоқда. Кези келганда таъкидлаш жоизки, тиббий кадрларни тайёрлаш тизими ҳам кенг қамровли ислох қилинмоқда. Бунда олий тиббий таълимнинг замонавий икки босқичли тизими жорий этилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бугунги кунда тизимда қарийб 72 минг нафарга яқин шифокор, 260 минг нафардан ортиқ ўрта махсус тиббиёт ходими аҳолига тиббий ёрдам қўрсатмоқда. Вазирлик тасарруфидида 6 та олий ўқув юрти ва уларнинг вилоятларидаги 3 та филиали ҳамда 76 та тиббиёт коллежида ҳар йили 3 минг нафардан ортиқ шифокор ва фармацевт, 60 минг нафарга яқин ўрта бўғин тиббиёт ходимлари тайёрланмоқда.

Мана шундай шароитда Президентимизнинг ўтган йили сентябрь ойидаги "Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги Фармони ва октябрь ойидаги "Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилиниши тиббиёт соҳасида янада жиддий янгиланишлар сари ташланган муҳим қадам бўлди. Таъбир жоиз бўлса, ушбу ҳужжатлар соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотларнинг янги бос-

қинига тамал тоши қўйди. Зотан, Фармон ижросига биноан, ҳозирда барча вилоятларда ягона стандартлар асосида хизмат кўрсатувчи кўп тармоқли тиббиёт марказ-чили, 30 та шаҳар ва 169 та туман тиббиёт бирлашмалари ташкил этилди. Андижон, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Наманган ва Сирдарё вилоятларида замонавий тиббий диагностика марказлари ташкил этилди. Яқин кунларда ҳар бир вилоятда муқаммал тиббий ўқу-наларга эга, малакали кадрлар билан таъминланган диагностика марказлари фаолият кўрсата бошлайди.

Бундан ташқари, юртимизда ишлаб турган туртта ихтисослаштирилган тиббиёт маркази қаторига яна ушбу Фармонга кўра, соғлиқни сақлаш тизимида олти-та – Акушерлик ва гинекология, Педиатрия, Терапия ва тиббий реабилитация, Дерматология ва венерология, Фтизиатрия ва пульмонология ҳамда Эндокринология ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари ташкил этилди. Президентимиз томонидан имзоланган ушбу Фармоннинг эътиборли жиҳати шундаки, унда ҳусусий тиббиёт муассасаларининг ҳам замонавий андозларга мос биноларда ташкил этишга алоҳида эътибор берилди. Умуман, тиббиёт ривожини йўналидаги бундай умумдавлат микёсидаги ҳамхўрлик тез орада янада янги самаралар бериши аниқ.

Шўбха йўқки, соҳа ривожиди уни молиялаштириш масаласи ҳам муҳим ўрин тутди. Шуниси кувончлики, соғлиқни сақлаш тизимини янада яхшилаш мақса-дини қўзлаб ажратилаётган бюджет маблағлари йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Жумладан,

ўтган йили соҳа ривожини учун бюджетдан 625,6 миллиард сўм ажратилган бўлса, жорий йилда ушбу кўрсаткич 928,9 миллиард сўмни ташкил қилади. Бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 1,4 баробар кўпдир. Яна бир салмоқли маълумот шуки, ҳозир Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан умумий ҳажми 137 миллион АҚШ долларидан ошқ бўлган 12 та хорижий лойиҳа рўёбга чиқарилмоқда. Жанубий Кореядаги "Эксимбанк" ва Қувайт Араб Иқтисодий ривожланиш фонди мамлакатимиз соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотларни эътироф этган ҳолда уни янада чуқурлаштириш мақсадида ҳамкорлик қилмоқда. Айни пайтда, ҳаҳоннинг қўллаб-қувватлаётган томонидан ҳам тиббий ислохотларимиз қўллаб-қувватланаётир. Қолаверса, тизимни молиялаштиришнинг ҳажми ва манбалари тобора кенгайиб бормоқда. Агар 2002 йилда тиббиёт соҳасидан давлат бюджетига қўшимча равишда 5 миллиард сўм маблағ тушган бўлса, 2007 йилда ушбу кўрсаткич 36,1 миллиард сўмга етди. Шу йилнинг тўққиз ойи ичиде эса бу борадаги кўрсаткич 40,7 миллиард сўмни ташкил қилди. Вазирлик аҳолига қўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини янада ошириш, сервис хизматини ривожлантириш, бюджетдан ташқари маблағлар қўламини ошириш ва натижада 2010 йилга келиб да-волаш муассасалари томонидан бюджетдан ташқари 87,2 милли-ард сўм маблағ ишлаб топиш ре-жалаштирилган.

Ислохотларнинг яна бир йўналиши бу – фармацевтика соҳасидир. Президентимизнинг ўтган йил ноябрь ойида имзолаган

"2011 йилгача бўлган даврда фармацевтика тармоғи корхона-ларини модернизация қилиш, техникавий ва технология қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида"ги Қарори бу борадаги ишлар қўла-мини янада кенгайтиришда да-стуриламал бўлаётир. Эътибор беринг, собиқ совет даврида республикаимизда бор-йўғи 2 та фармацевтика саноат корхонаси мавжуд эди, бугун эса 100 га яқин шундай турли дори-дармон ишлаб чиқарувчи муассасалар фаолият қўрсатмоқда. Энг муҳими, маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган дори воситаларининг 32 номда-гиси мамлакатимиз олимлари томонидан яратилган.

Биз мустақиллик шарофати билан Ўртбошимизнинг инсон, унинг манфаатлари, миллатни янада соғломлаштириш ва бар-камол авлодни тарбиялашга эътибор ва ҳамхўрлиги, мамла-катимизда тиббиёт соҳасида изчил амалга оширилаётган и-слохотлар туфайли ана шундай имкониятларга эга бўлдиқ. Бинобарин, биз бугун тақорор бўлса-да айтмиш, оқ ҳолатли халоскорлар, фидойи шифо-корларнинг туну кун қилаётган машаққатли меҳнати кадр у-эъюз топан замонда яшап-миш. Модомики, шундай экан, мамлакатимиз раҳбари бошчи-лигида яратилаётган имкония-ту имтиёзлар барча тиббиёт хо-димларини янада фидойи ва масъулиятли бўлишга ундайве-ради.

Феруз НАЗИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазири.
("Халқ сўзи" газетасининг
2008 йил 8 ноябрь
сонидан олинди).

Съезд

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ДОИРАСИДА

Жорий йилнинг 13-14 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон терапевтлар Ассоциацияси ҳамда Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий маркази томонидан «Ички касалликларда таш-хислаш, даволаш ва тиббий реабилитация-

нинг долзарб муаммолари» мавзусида Ўзе-кистон терапевтларининг V Съезди бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз мутахассислари билан бир қаторда Россия Федерацияси, Ук-раина, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон сингари республикалардан келган етакчи олимлар ва умумий амалиёт шифокорлари иштирок этдилар.

Съездни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А. Икрамов кириш сўзи билан очиб, соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, жорий этилаётган илмий-амалий тадбирлар инсон саломатлигининг муҳим омил эканлигини таъкидлаб, барча йўналишлар қатори терапия соҳасини ривожлантириш, ички касалликларга тўғри ташхис қўйиш, даволаш-профилактика ишларини кучайтириш талаби ортиб бораётганлигини эъти-роф этди.

Мазкур тадбирни ўтказишдан асосий мақсад амалиётга олиб қирилган даволаш-про-филактика дастурларини татбиқ этиш, ички касалликларни юқори технология ташхис усул-лари билан даволаш ва тиб-бий реабилитация бўйича таж-риба қўламини бойитиш ҳамда янги даволаш стандартларини ишлаб чиқишдан иборатдир. Ўтказилган съезднинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, унда ички касалликлар профилакти-каси ва уни ўрганишдаги фун-даментал текширувлар, касал-лик диагностикасидаги янги технологиялар: пульмонология, клиник аллергология, кар-диология, гастроэнтерология,

ревматология, нефрология, шошилиш ёрдам ва тиббий реабилитация стандартлари бўйича долзарб масалалар қам-раб олинган бўлиб, мутахассис-лар махсус секцияларга бўлин-ган ҳолда мавзунинг чуқур таҳлил қилиб, ўрганиб чиқдилар. Чун-ки, терапия соҳасини замонавий кўринишда тақомиллаштириш, аҳоли саломатлигини яхшилаш-да бундай имкониятлардан кенг фойдаланиш, соҳани ривожлан-тириш учун малакали кадрлар-ни тайёрлаш масалалари нафа-қат ҳукуматимиз, балки Соғлиқ-ни сақлаш вазирлиги олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбеки-стон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги "Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишни янада чуқурлаш-тириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оши-ришнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда 2007 йил 2 октябрдаги "Респу-блика тиббиёт муассасалари фа-олиятини ташкил этишни тақо-миллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ Терапия ва тиббий реабилита-ция илмий-текшириш институти ва Гастроэнтерология илмий маркази ҳамда даволаш базаси негизидеда терапия ва тиббий ре-

абилитация тиббиёт маркази ташкил этилди. Ушбу муассаса айни кунда терапевтика соҳа-си доирасидаги ислохотлар кенг тарғиб қилинишида етак-чи даргоҳлардан бири бўлиб келмоқда. Тадбирда таъкидлан-ганидек, ички касалликларни самарали даволаш, ташхислаш ва аҳолига малакали тиббий ёрдам кўрсатишда марказ хо-димлари илмий-методик фао-лиятни олиб бормоқдалар. Тиб-биётнинг барча йўналишлари-ни ўз замирида бирлаштира олган терапия соҳасини чуқур-роқ ўрганиш, уни турли давр-ларда замонавий талабга муво-фиқ шакллантириш, мавжуд ян-гиликларни илгор тажрибалар-га суяниб олиб бориш нафақат республикаимиз олимлари, бал-ки МДХ давлатлари етакчи му-тахассисларининг ҳам долзарб вазифаларига қиради. Шунинг-дек, тадбир доирасида ёш олимлар ва мутахассислар учун "Замонавий гастроэнтерология энциклопедияси – II, Исло-тларга асосланган гастроэнте-рология" мавзусида Республика семинар мактабининг ўтказил-ганлиги съезд мавзулари қан-чалик долзарб эканлигини бел-гиллаб беради.



Дилором РАХИМОВА,
Республика
ихтисослаштирилган
терапия ва тиббий
реабилитация илмий-
амалий маркази ходими:

– Ўзбекистон терапевтлари-нинг V Съезди ҳар йилгига қара-ганда мавзу қўламининг кенгли-ги, долзарблиги билан ажралиб туради. Чунки, унинг мазмун-моҳиятида республикаимиз оли-млари ва хорижий мутахассис-ларнинг олиб борган илмий-амалий изланишлари, тадқиқот-лари муҳассамлигини кўрамыз. Бу борада бизнинг марказ фао-лияти ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Асосий вазифамиз халқро-талабларга мувофиқ ҳолда аҳолига сифатли тиббий ёрдам қўрсатиш, терапевтик мактаб ва илмий база яратиш, юқори те-хнологик текширувларни йўлга қўйиш ҳамда ички касалликлар-ни даволашда илгор тажриба-ларни қўллашдан иборатдир.

Аҳамият берадиган бўлсақ, те-зисга қиритилган асарият маъ-рузалар бугунги ва эртанги тиббиёт тараққиётини белги-ловчи салоҳиятга эгаллиги бил-лан характерли, дейиш мум-кин. Айниқса, юрак, қон-томир тизими касалликлари билан боғлиқ маърузалар иштирокчи-лар томонидан эътибор билан тингланди, чуқурроқ таҳлил қилинди, ўрганилди. Чет эллик ҳамкасблар билан тажриба ал-машши имконияти туғилди. Ун-дан ташқари, ёш олимларнинг бу борадаги чиқишлари, илмий тадқиқотлари хорижий мута-хассисларда катта қизиқиш уйғотди. Хулоса қилиб айтган-да, мазкур съезд тиббиёт ри-вожини янги босқичга қўтариб, ислохотлар жараёнининг изчил тақомиллашувида хизмат қила-ди.

Намоз ТОЛИПОВ.
Сурат муаллифи Анвар
САМАДХОДЖАЕВ.

Мазкур мақола Ўзбекистон Республикаси мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг «Соғ-лиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар мониторинги» лойиҳаси асосида тайёрланди.

Юртимиз тиббиёт масканларида

СИФАТЛИ НАЗОРАТ – СОҒЛОМ ФАРЗАНД КАФОЛАТИ

Давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири бўлган оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида ҳукуматимиз томонидан кўплаб ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Шу жумладан, Республика "Она ва бола скрининги" маркази ва унинг вилоятлардаги филиалларида олиб борилаётган фаолиятлар туғилажак чақалоқлар, шунингдек оналар саломатлигини сақлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Айтиш жоизки, бундай муассасаларда яратилган шароит ва имкониятлар, яъни у ерда ўрнатилган тартиб-интизом, бепул тиббий хизмат ҳомиладор аёллар учун катта қулайликлар туғдирмоқда. Республика "Она ва бола скрининги" марказида меҳнат қилаётган мутахассисларнинг иш жараёнларини кузатиб, улар билан суҳбатда бўлдик.

Мархабо ИСЛОМОВА, тиббий-генетик маслаҳат бўлими бошлиғи, неврогенетик врач:

Марказимизнинг фаолияти хусусида тўхталадиган бўлсам, аввало унинг ташкил этилганлигига ургу бермоқчиман. "Она ва бола скрининги" Давлат дастури лойиҳаси "Соғлом авлод учун" халқаро нодавлат хайрия жамғармаси томонидан ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 1 апрелдаги 140-сонли қарори билан тасдиқланган. 1998 йилдан бошлаб, Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикасида болаларда ирсий касалликлар натижасида келиб чиқувчи ақлий зафиликнинг олдини олиш ҳамда ҳомила туғма ривожланиш нуқсонини билан туғилиш хавфини аниқлаш учун ҳомиладор аёлларни тиббий кўрикдан ўтказиш

нинг олдини олиш мақсадида ҳомиладор аёлларни текширувдан ўтказиб, керакли маслаҳатларни бериб бориш экан, бу борада самарали ишларни амалга оширмоқдамиз. Марказимиз асосан янги тиббий технологиялар ва малакали ходимларга эга бўлиб, қуйидаги йўналишлар бўйича иш олиб боради:

• янги туғилган чақалоқларда туғма гипотиреоз ва фенилкетонурия касалликларига оммавий скрининг ўтказиш;

• туғруқча бўлган даврда ҳомилада ривожланиш нуқсонининг олдини олиш тадбирларини ўтказиш (туғруқча ирсий касалликлар скрининги);

• ирсий ва туғма касаллик билан туғилганларга ва шундай фарзандлари бор оилаларга тиббий-генетик маслаҳат бериш.

Марказимиз асосан оммавий неонатал скрининг, пренатал скрининг ёки туғруқча диагностика ва тиббий-генетик маслаҳат бўйича ҳомиладор аёл ва

қали туғма ривожланиш нуқсонини аниқланган ҳомиладорликни тўхтатиш тавсия этилади.

3. Тиббий-генетик маслаҳат турли соҳа мутахассислари генетик, невропатолог, эндокринолог, гинеколог, педагог-дефектолог, психоневролог томонидан амалга оширилади.


Тиббий-генетик маслаҳатдан ўтишга асосий кўрсатмалар:

– оилада ирсий касаллик билан фарзанд туғилиш хавфи юқори бўлганда эр-хотинга маслаҳат бериш;

– болаларда ва катталарда туғма ривожланиш нуқсонини келиб чиқиб хавфи ёки ирсий касаллик ташхиси қўйилганда, диагностика аниқлаштириш мақсадида маслаҳатлар ўтказиш;

– янги туғилган чақалоқ ва гудакларда скрининг асосида соғлиғида бирор-бир ўзгаришлар аниқланса, уларни назоратга олиш ва даволаш.

2003 йилдан Республика Вазирлар Маҳкамасининг 05.07.2002




жак зурриёди соғлигини замонавий технологияда назорат қилаётган шифокор **Воҳидхон Содирхонов** шундай дейди:

– Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида давлатимиз томонидан катта имкониятлар яратилмоқда. Айниқса, мазкур йўналишда тиббиёт муассасаларининг замон талаблари даражасида бунёд этилаётганлиги, янги технологиялар ва малакали кадрлар билан таъминланганлиги ҳам бундан мустасно эмас. Марказимизга мурожаат қилиб келаётган ҳомиладор аёллар мавжуд шароитлардан имконият даража-

биз мурожаат қилиб келаётганларга керакли тавсия ва маслаҳатлар бериб, ҳомиладор аёллар учун микрочипда таблеткаларини тарқатамиз. Ўтказилаётган тегишсиз, маслаҳат ҳамда тарқатиладиган дори-дармонлар бепул берилади, дейди суҳбат чоғида Дилором Фаизбаева.

Врач-генетик Шахноза Назированин таъкидлашча, ирсий (генетик) касалликлар ген ва хромосомаларда нуқсонлар содир бўлиши натижасида вужудга келади. Айни кунда болаларда генетика би-



СУРАТЛАРДА: Марказдаги бундай янги лаборатория жиҳозларида фаолият юритиш ҳар бир мутахассисдан катта масъулият ва тажриба талаб этади.

мақсадида "Она ва бола скрининги" Давлат дастури амалга ошириб келинмоқда. Қарийб ўн йилдирки, марказимиз ва унинг вилоят филиаллари мунтазам равишда фаолият олиб боришмоқда. Айни кунда Андижон, Бухоро, Қарши, Наманган, Нукус, Самарқанд, Термиз, Фарғона, Навоий, Урганч вилоятларида Марказ филиал-

чақалоқларга малакали хизмат кўрсатади.

1. Оммавий неонатал скрининг. 2008 йилга қадар бутун республика бўйича янги туғилган чақалоқларда фенилкетонурия ва туғма гипотиреозга неонатал скрининг ўтказилади. Скрининг текширишлари натижасида аниқланган беморлар скрининг марказида диспансер

йилдаги 242-сонли қарорига биноан "Она ва бола скрининги" Давлат дастурининг иккинчи босқичи амалга оширилади.

2008-2012 йиллар давомида Президентимизнинг 892-Қарори бўйича "Она ва бола скрининги" Давлат дастурининг учинчи босқичи амалга оширилади.

Таъкидлаш лозимки, Юртимизнинг жорий йил июнь ойида қабул қилган «Болаликдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш учун туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури тўғрисида»ги қарори скрининг марказлари фаолиятини янада такомиллаштириш, шунингдек, уларнинг моддий-техник имкониятларини кенгайтириш борасида яна бир қадам бўлди десак, янгилашмаган бўламиз. Мазкур қарор ижросини таъминлаш юзасидан тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, марказ ва унинг филиалларида изчиллик билан фаолиятлар олиб боришмоқда.

ФАОЛИЯТЛАРГА БИР НАЗАР

Биз марказдаги ишлар билан янада чуқурроқ танишиш мақсадида ҳар бир кўрув хоналари шароити ва мутахассисларнинг иш жараёнларини кузатдик. Илк бор **рўйхатхона** ёнидаги "Бу ерда барча тиббий хизматлар бепул амалга оширилади", деган ёзувга қўзимиз тушди. Бунинг баробарида эса ҳомиладор аёлларнинг белгиланган вақтда врач қабулгач келишлари ҳам навбат қутиш ҳолатларини юзга келтирмайди. **Ультратовуш аппарати** хонасига кирганимизда ҳомиладор аёлларнинг бўла-

сида фойдаланишга муваффақ бўлмоқдалар. Ушбу технологияда ҳомиладор аёлларнинг 15-16 ҳафталик ҳомиласидаги туғма нуқсонлар аниқланади. Бу албатта энг муҳим жараён бўлиб, ногирон болалар туғилишининг олдини олишга катта замин яратди...

Эндокринология хонасида бўлганимизда тажрибали шифокор Дилором Фаизбаева ҳомиладор аёл соғлигини назорат қилаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Мутахассиснинг айтишига қараганда, биргина ҳомиладор аёллар соғлиғи эмас, балки чақалоқлигидан то ўсмир ёшгача бўлган болалар саломатлиги назорат қилиниб, текширувлар олиб борилади. Айтиш жоизки, мазкур йўналишдаги хасталиклар, айниқса, йод етишмовчилиги, бўқоқ ҳамда қалқонсимон безларнинг шомоллаши ва бошқа касалликларни ўз вақтида даволаш жуда муҳим. Чунки бундай касалликларнинг олди олинмаса, салбий асоратларга олиб келиши мумкин. Бунинг учун

лан боғлиқ бўлган 3500 га яқин ирсий нуқсонлар мавжуд. Касалликнинг клиник симптомлари бола она қорнида бўлганида, туғилгач, шунингдек, беморнинг бутун умри давомида пайдо бўлиши мумкин. Айрим касалликлар соғлом ота-оналардан бўлган фарзандларда, айрим ҳолларда эса, авлоддан-авлодга ўтиши, ундан ташқари баъзи ҳолларда онадан ўтган патологик ген сабабли ўғил болалар оғриши мумкин. Айтиш уринлики, тиббий генетик маслаҳат юқоридаги ҳолатларни ўрганиш ва ирсий касалликларнинг олдини олишда катта аҳамият касб этади.

Ҳар бир касалликни тўғри аниқлашда **лаборатория текшируви** асосий ўринга эга эканлиги ҳеч биримизга сир эмас. Фаолиятларни кузатиш жараёнида лабораторияларда бўлганимизда, у ердаги сўнгги технологиялар она ва болалар саломатлиги йўлида оқилона ишлатилаётганлигининг гувоҳи бўлдик.

Ҳар бир ишнинг сифати кадрлар соҳиятига боғлиқ деганларидек, марказдаги машаққатли меҳнатларни амалга ошираётган ходимлар фаолияти билан бевосита танишганимизда, уларнинг кўпчилиги ҳорижий давлатларда бўлиб, ўз малакаларини ошириб қайтганлигини эътироф этишди. Шунингдек, марказда чет эллик ҳамкасблар билан ҳамкорлик ишлари ҳам тўғри йўлга қўйилган. Бу албатта, марказ ходимларининг билим савияси ҳамда малака кўламлигини ошириб боришда асосий омил бўла олади.

Ибодат СОАТОВА.
Муаллиф олган суратлар.



Мазкур мақола Ўзбекистон Республикаси мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонднинг «Соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар мониторинги» лойиҳаси асосида тайёрланди.

Конспект врача

СИНДРОМ ДИАБЕТИЧЕСКОЙ СТОПЫ, КЛИНИКА, ДИАГНОСТИКА, ЛЕЧЕНИЕ, ПРОФИЛАКТИКА

Сахарный диабет – хроническое заболевание, темпы распространения которого нарастают с каждым годом. По существующим на сегодняшний день оценкам в мире насчитывается 246 миллионов больных диабетом, это составляет 5,9% населения планеты. Около 80% этих людей проживают в развивающихся странах. К 2025 году число больных возрастет до 380 миллионов, что составит 7,1% взрослого населения Земли. Пугающей является тенденция роста частоты диабета 2-го типа у молодых.

Наиболее серьезными проблемами являются поздние осложнения диабета, затрагивающие миокард, почки, сетчатку глаз и сосуды нижних конечностей. В этом перечне «стопа диабетика» занимает лидирующее положение. По некоторым данным при давности заболевания более 20 лет, вероятность поражения сосудов нижних конечностей превышает 80% (Levin M., 1983), а 40-70% всех неатеросклеротических поражений диабетических ангиопатий производятся у больных диабетом (Standt E., 1996; Taylor J., 1992), при этом ближайшая послеоперационная летальность превышает 20% (Paeon P., 1991). По данным литературных источников, через 2-3 года после ампутации почти у 50% больных приходится ампутировать и другую конечность (Калинин А. А., 1991; Schor K., 1998). Гнойно-некротические поражения стоп у пациентов с СД наблюдаются в 20 раз чаще, чем у лиц не болеющих диабетом (Газетов В. М., 1991).

Актуальность проблемы лечения хирургической инфекции у больных с СД потребовало выделения диабетической стопы в самостоятельную нозологию синдром диабетической стопы (СДС) (доклад исследовательской группы ВОЗ по теме «Сахарный диабет», 1997).

Синдром диабетической стопы – это патологическое состояние, которое возникает на фоне поражения периферических нервов, сосудов, кожи, мягких тканей, костей, суставов и проявляется острыми и хроническими язвами, костно-суставными поражениями и гнойно-некротическими процессами. Данный синдром встречается у 30-80% больных диабетом.

Патогенез определяется совокупностью ряда факторов. Первый – микроангиопатия. Под микроангиопатией подразумевается поражение только мелкой сосудистой сети. Основные изменения происходят в базальной мембране капилляров. Это характеризуется накоплением в ней PAS-положительных веществ, в том числе мукополисахаридов, гликопротеидов, липидов. При этом мембрана капилляров утолщается в 2-5, а иногда в 8-10 раз. Отмечается ее расщепление на слои, между которыми располагаются коллагеновые волокна. Указанные изменения мембраны и эндотелия капилляров приводят к нарушению селективной фильтрации биологических жидкостей и обменной диффузии, что препятствует удалению продуктов обмена, обеспечению тканей питательными веществами и кислородом. Гипоксия вызывает деструктивные изменения тканей вплоть до развития гангренозно-некротического процесса. Атеросклеротические поражения (макроангиопатия) у больных сахарным диабетом разви-

ваются на 10 лет раньше и протекают более злокачественно. Особенностью атеросклероза у больных сахарным диабетом является относительно редкое поражение крупных сосудов, частое поражение артерий среднего и мелкого калибра и артериол. Атеросклеротические поражения встречаются в подколенной, большеберцовой области и в артериях стопы. Специфическим и наиболее частым проявлением диабетических ангиопатий является медиокальциноз. Его частота и интенсивность нарастают по направлению к дистальным артериям конечностей.

Полинейропатия возникает за счет нарушения метаболизма глюкозы в нервной ткани, гликозилирования мембран нервных клеток и повреждения вазы nervorum. Соматическая и автономная нейропатия могут рассматриваться, как самостоятельные факторы развития трофической язвы. Соматическая, длительно протекающая сенсорная нейропатия приводит к характерной деформации стопы, препятствующей нормальному ее положению при ходьбе и стоянии. Сенсорная диабетическая нейропатия проявляется снижением болевой, тактильной, температурной, вибрационной, проприоцептивной чувствительности. Стопа, лишенная механизмов защиты (отсутствие реакции на механическую, термическую, химическую травмы), имеет высокий риск гнойно-некротических поражений.

Остеоартропатии. При сахарном диабете имеются выраженные кальциурия и потеря солей, которые могут превышать их поступление. При рентгеновском исследовании определяются различные изменения в костно-суставном аппарате: на фоне резкой деформации стопы возможно увеличение объема мягких тканей. Выявляются остеопороз и остеосклероз. Отмечаются остеолиз суставных поверхностей, деструкция и фрагментация отдельных участков кости, спонтанные патологические переломы. При деформации стопы значительно уменьшается ее площадь опоры, из-за чего наиболее выступающие участки стопы испытывают повышенное давление и являются источником образования язв.

Клиника, диагностика. Исходя из преобладания нейропатии или ишемии, выделяют следующие клинические формы СДС:

- нейропатические
- ишемические
- нейроишемические.

Жалобы больных различны. На ранних этапах пациенты жалуются на утомляемость ног, зябкость, парестезии. Постоянство и выраженность этих жалоб зависят от стадии заболевания.

При длительном существовании диабета развивается деформация стопы с увеличением ее поперечного размера, поперечным и продольным плоскостопием, увеличением в объеме и де-

формацией голеностопного сустава. Развиваются молоткообразная деформация пальцев, гипертрофия головок метатарзальных костей с образованием натоптышей (нейроостеоартропатия, стопа Шарко).

В связи с изменениями температурной, тактильной, проприоцептивной чувствительности части микротравмы (обработка мозолей, инородные тела в обуви, тесная обувь, тепловые процедуры). Самопроизвольное заживление не происходит, развиваются флегмоны, трофические язвы, гангрены стоп. Распространены микотические повреждения стоп в результате атрофии и деформации ногтевой пластинки.

Признаком ишемической формы СДС является синдром перемежающейся хромоты. Если окклюзия компенсируется адекватным кровотоком, то симптомов в покое может не быть, но при нагрузке появляется перемежающаяся хромота.

При осмотре пациента с СДС следует обращать внимание на цвет конечностей, наличие отека, деформации стопы, наличие патологической подвижности в суставах, локализацию язвы, характер отделяемого, подрытость краев, состояние окружающей кожи (экзема, индукция, целлюлит).

Имеет диагностическую ценность определение тактильной, болевой, температурной, вибрационной чувствительностей, сухожильных рефлексов. Специальные методы исследования направлены на выявление поражения артерий конечностей. Это рентгеноконтрастная ангиография, доплеровское исследование кровотока артерий, компьютерная видеокапилляроскопия. Для оценки состояния раны необходимы цитологическое и бактериологическое исследование язв. Особую роль в диагностике играет исследование подошвенной поверхности стопы подоскопом. Мы используем наш отечественный подоскоп, который разработан совместно с НИИ Эндокринологии и институтом Биохимии.

Лечение. В клинике НИИ Эндокринологии МЗ РУ разработана программа комплексного обследования и лечения больных с синдромом диабетической стопы. По нашему мнению, лечение больных с диабетической стопой должно состоять из ряда этапов:

1. Компенсация сахарного диабета.
2. Общая лекарственная терапия.
3. Оздоровление кожи вокруг язвы и ликвидация перифокального воспаления.
4. Ликвидация гнойно-некротических процессов и воспалительных изменений в язве.
5. Подавление микрофлоры.
6. Активизация репаративной регенерации.
7. Общая и местная иммуномодуляция.
8. Разгрузка нижней конечности.

9. Хирургическое лечение (вторичные некрозы, аутодермопластика, пластика язвенных дефектов, экзостомы, малые и большие ампутации).

Основой лечения СДС является компенсация углеводного обмена, которая достигается при коррекции проводимой сахарос-

нижающей терапии. При наличии инфекционных осложнений, ишемических поражений и гипергликемии требуется обязательный перевод больных на инсулинотерапию. Так, гипергликемия, превышающая 10 ммоль/л, не только препятствует заживлению раны, но и усугубляет иммуносупрессию.

Общая терапия включает применение спазмолитических средств, препаратов, улучшающих реологические свойства крови. Среди препаратов, улучшающих микроциркуляцию, необходимо отметить алпростадил. Кроме того, в программу лечения следует включать препараты липовой кислоты. Среди препаратов антиоксидантного действия приоритет остается за альфа-липовой (тиоктовой) кислотой. Альфа-липовая кислота является универсальным природным антиоксидантом. Спектр ее активности широк. Существуют данные о профилактике процессов старения при регулярном применении α -липовой кислоты, в том числе развития катаракты, заболевания сердца, мозга и периферических нервов. Широкое применение препарата при диабетической невропатии обосновано большим количеством исследований, подтверждающих его эффективность как препарата с патогенетической направленностью (уменьшение сенсорного дефицита, улучшение электрофизиологических показателей при приеме в дозе от 600 мг до 1800 мг в сутки), так и симптоматического действия (быстрый обезболяющий эффект при внутривенном введении в дозе 600 мг). Особенно эффективен прием α -липовой кислоты при обратимом состоянии дисфункции нерва – показан отличный обезболивающий эффект у больных с диабетом, тем более что применение препарата практически безопасно.

Из физиотерапевтических процедур средством улучшения микроциркуляции является гипербарическая оксигенация, лазеротерапия. Местная терапия язв предполагает тщательную санацию ран, оздоровление кожи вокруг раны, ежедневные перевязки. Для борьбы с инфекцией (по показаниям) мы используем антибиотики с учетом чувствительности микрофлоры. При этом локальное применение антибиотиков мы считаем нецелесообразным, т.к. при местном применении антибиотики не уничтожают микрофлору, а лишь изменяют ее состав.

Немедикаментозные методы лечения СДС

К ним относятся:

- гимнастика для ног,
- физиотерапия,
- массаж и др.

Профилактика. Вслед за диагностикой факторов риска больного, составляющим группу риска, необходимо провести профилактические мероприятия. Прежде всего данные мероприятия включают обеспечение обуви, уход за стопой и использование медикаментозных средств, предотвращающих прогрессирование уже развившихся осложнений. Доказана эффективность использования специальной ортопедической обуви,

способной вдвое снизить количество рецидивов язв стоп при диабете. Отличительными особенностями «диабетической обуви» являются ее индивидуализация с учетом особенностей патологии стопы у каждого пациента, специальная бесшовная конструкция, наличие дополнительного объема для вкладываемой стельки, а также способность рационально распределить давление на подошву с исключением избыточного давления на стопу.

Наш институт совместно с фирмой «Ортопедия прогресс» изготавливает индивидуальные, разгружающие, профилактические, массажные стельки, а также туторы.

Важное место в профилактике занимает подиатрический уход за стопой, включающий обработку проблемных зон стопы, удаление гиперкератоза, применение увлажняющих и питательных кремов для кожи стоп. Гиперкератоз является фактором риска к образованию язвы и формируется вследствие усиленного ороговения кожи в местах биомеханической нагрузки. Гипергликемия и усиленное гликирование кожи и подкожной клетчатки ускоряют процесс образования гиперкератоза на нейропатической стопе. Если гиперкератоз не обрабатывать, то он сам может стать пусковым механизмом развития язвенного дефекта. Гиперкератоз удаляется механическим путем, скальпелем или скалером, не травмируя подлежащий слой кожи. Фактически все кремы, разрешенные к применению больным сахарным диабетом, содержат мочевину в различной концентрации. Мочевина способствует активному увлажнению сухой кожи, развившейся в результате ангиодозы вследствие автономной нейропатии и потери функции потовых желез. Лучший и самый рентабельный способ профилактики развития СДС и ампутаций – комплекс профилактических мероприятий, направленных на предотвращение образования язв стоп.

Для этого необходимо:

1. Ежедневно мыть ноги теплой водой с мылом. Температура воды проверяется термометром или локтем. Температура воды не должна превышать 40°. После мытья ноги тщательно вытирать сухим полотенцем. Особенно тщательно нужно вытирать кожу между пальцами, где повышенная влажность способствует развитию опрелостей и грибковых заболеваний. Необходимо регулярно смазывать стопы жирным кремом. Крем не должен попадать в межпальцевые участки кожи. Если это произошло необходимо его убрать салфеткой.

2. Больной сам должен регулярно использовать напольное зеркало для ежедневного осмотра ног, чтобы вовремя обнаружить волдыри, порезы, царапины и другие повреждения, через которые может проникнуть инфекция. Нельзя забывать осматривать промежутки между пальцами. Если вы сами не можете сделать это, попросите кого-нибудь из членов семьи осмотреть ваши ноги.

(Продолжение на 5-й стр.)

Конспект врача

СИНДРОМ ДИАБЕТИЧЕСКОЙ СТОПЫ, КЛИНИКА, ДИАГНОСТИКА, ЛЕЧЕНИЕ, ПРОФИЛАКТИКА

3. Ногти обрабатывать только с помощью пилки. Использование острых предметов (щипцы, ножницы) категорически запрещается. Край ногтя опиливают строго горизонтально, не закругляя уголки, так как это может привести к формированию вросшего ногтя, что часто становится причиной осложнений.

4. Больной должен регулярно осматривать внутреннюю поверхность обуви на предмет наличия в ней инородных предметов, тре-

щин, неровности стелек.

Нельзя согреть ноги грелками, греть ноги у камина, у батареи, а также применять тепловые физиопроцедуры из-за высокого риска термического ожога.

5. Ногти можно согреть махровыми носками из хлопка, при этом резинка не должна быть тугой. Нельзя носить заштопанные носки. Носите только подходящие по размеру чулки или носки.

6. Каждый пациент должен иметь дома специальную аптечку для обработки ссадин, порезов и других повреждений в области стоп.

7. Всем больным СД запрещается ходить босиком. Дома, в сауне, в бассейне, на пляже можно ходить только в закрытых тапочках.

8. Всем больным СД ежедневно в течение 10-15 минут необходимо делать "зарядку для ног", если нет противопоказаний. Это позволит добиться сохранения подвижности мелких суставов стопы.

9. "Грубую" кожу в области пяток и "натоптыши" (мозоли) необходимо регулярно удалять с помощью пемзы или специальной косметической пилки для сухой обработки. Не нужно удалять мозоль за один прием. Нельзя срезать мозо-

ли, распаривать ноги перед обработкой и использовать специальные средства для удаления мозолей (различные жидкости, пластыри).

11. Покупайте только ту обувь, которая с самого начала удобно сидит на ноге; не покупайте обувь, которую нужно растягивать (или растягивать). Не носите обувь с узким носком, чтобы она не сдавливала пальцы.

12. Никогда не надевайте обувь на босу ногу. Не носите сандалии босоножки с ремешком, который проходит между пальцами. Не ходите босиком и, тем более, по горячей поверхности.

Таким образом, своевременное оказание превентивной мультидисциплинарной помощи поможет увеличить длительность состояния стопы диабетика без язвы и позволит предотвратить одно из наиболее тяжелых последствий заболевания – ампутацию конечности.

Тельман КАМАЛОВ,
Республиканский
специализированный
научно-практический
медицинский центр
эндокринологии.

(Окончание. Начало
на 4-й стр.)

МУҲИМ ТАДБИРЛАР ДОИРАСИДА

14 ноябрь – Халқаро Диабет кун ва
"Диабет ойлиги" ҳақида

Халқаро Диабет Федерациясининг ташаббуси билан қандли диабет кун 1991 йилдан бери 14 ноябрь – инсулин қашфиётчиси Бантинг туғилган кунда ўтказиб келинган. Мазкур тадбирлар асосан, шифокор ва беморлар орасида олиб борилади. Айтиши жоизки, қандли диабет кенг тарқалиб бориши ва сарф-харажатлари бўйича бутун дунё давлатлари иқтисодиётига катта зарар қўрсатиб келмоқда. Шу сабабли, БМТ 2006 йил декабрдаги Ассамблеясида қандли диабет ҳақида Резолюция қабул қилди. Резолюцияга кўра 2007 йилдан бошлаб, 14 ноябрь Бутунжаҳон Диабет кун ва деб эълон қилинди. Ҳозирги кунда касалликнинг кенг тарқалиши ва олдини олиш мақсадида Бутунжаҳон Диабет кун кенг нишонланиб келинмоқда.

2007 йилда Ўзбекистон эндокринологлари Ассоциацияси диабет беморлари Ассоциациялари билан биргаликда хотин-қизлар кўмитасига 14 ноябрь – Халқаро диабет кунини давлат миқёсида ўтказишда ёрдам бериш ва Диабет бўйича Миллий Дастурни давлат миқёсида кўтариб чиқишни тақлиф қилди. Утган йили Диабет кун республика миқёсида кенг ўтказилди, ноябрь ойи эса "Диабет ойлиги" деб эълон қилинди. Ушбу ташаббус 2008 йилда ҳам Эндокринологлар Ассоциацияси ва Республика Хотин-қизлар кўмитаси билан биргаликда давом эттирилган ва бунда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, қатор фармацевтик компаниялари, маҳалла кўмиталари, Олий ва ўрта-махсус таълим, Спорт ва маданият вазирликлари фаол иштирок этмоқдалар.

Режага кўра "Диабет ойлиги"да кўйидагиларни амалга ошириш белгиланган:

